

Шукрона

ҚАДАМЛАРИНГГА ҲАСАНОТ, ҲУР ЎЛКАМ!

Вилоятимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига катта ҳисса қўшган, режани 104 фоизга бажарган «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти фаолиятига берилган юксак баҳо бу. «Ўзбекистон металлургия комбинати», «Бекободцемент», «Янги Ангрен» иссиқлик электр станцияси, Тошкент, Бўстонлик, Зангиота, Қибрай туманлари қорхоналарида фидокорона меҳнат қилиб, шуҳрат топаётган, дўстона муносабатларни шакллантиришда жонбозлик кўрсатаётган ҳамюртларимизга ҳам Ватанимизнинг юксак мукофотлари берилди. Бундан қувонмай бўладими?

Қишлоқ хўжалигида етиштирилган ялли маҳсулот ҳажми 953,6 миллиард сўмликка етиб, ўсиш суръати 109 фоиздан ошиб кетди.

Унинг 88,4 фоизи деҳқон ва фермер хўжаликларидан улуғиша тўғри келар экан. — Тадбиркорга ҳуқуқий билим шарт, — дейди ҳунарманд, Охангарон шахар «Тадбиркор аёл» уюшмаси раиси Зарифа Бахтирова. — Давлатимиз томонидан яратиб берилаётган имкониятлардан фойдалана олиш учун ҳам укув,

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳуқуқий саводхонлик зарур. Кейинги йилларда тадбиркорларга берилаётган катта эътиборни алоҳида таъкидламоқчиман.

Ҳақиқатан ҳам байрам кунларида ютуқлардан сўзларинг келади. Эркин фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан бораётган мамлакатимизда инсонпарварлик тамойиллари юқори ўринга қўйилган. Яъни барча яхшиликлар инсон учун бўлиши керак. У эркин яшаш, ишлаш ва ўз эҳтиёжларини қондириш учун барча имтиёزلардан фойдаланиши лозим. Вилоятда аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш даражасини яхшилаш борасида ҳам кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда 40 мингга яқин янги иш ўринлари очилган бўлса, унинг 57 фоизи қишлоқларда ташкил этилган.

Паркентлик тадбиркор — тикувчи Марғуба Нишонов ва ўн йилдан буюн аҳолига хизмат қўраётган келади.

— Давлатимиз тадбиркорларга яратаятган қулайликлардан бири имтиёзли кредитлардир. Мен шу тўғрисида қишлоқда қишлоқ муваффақ бўлдим. Саккиз киши иш билан таъминланди. Яна қизларга бичиш, тикиш, зардўзлик сирларини ўргатаётган. Айниқса, солиқларни қамқайтириш ҳақидаги қўрсат-

малар биз тадбиркорлар учун айтиш мўлдат бўлди.

— Ижтимоий ҳимоя йилнинг ҳосиятли томонларидан бири ёш оилаларга ёрдам ҳақидаги қарорнинг эълон қилинганлиги бўлди, — дейди «Шуҳрат» медали нishондори, Чиноз тумани «Янги Чиноз» шахарчаси фуқаролар йиғини раиси Анвар Абдурашидов. — Ёшлар жамиятининг етакчи кучи, уларни ҳимоялаш, ардоқлаш Ватанимиз келажиги ардоқлаш деганидир. Ҳозир маҳаллаларда бўлаётган тўйларда ёшлар учун энг катта совға ана шу ёрдам бўлди. Оилалар фаровонлиги, тинчлиги маҳаллалар ободлиги юртимиз чироғига чироқ қўшмоқда.

Дарҳақиқат, Истиклолнинг ҳаётбахш нафасидан авж олаётган улуг бунёдкорлик ишлари бутун Ўзбекистон бўйлаб кенг қўлама давом этмоқда. Халқимизнинг саломамлиги йўлида барпо этилаётган замонавий тиббиёт муассасалари, унинг таълим ва тарбия соҳасидаги қамолоти йўлида қурилаётган мухташам, замонавий ўқув масканлари, порлок келажак сари елтувчи текис ва раво йўллар, аҳолиёб боғу бўстонлар, юксак маънавият сарчашмалари бўлган тарихий ва маданий ёдгорликлар, кўна обидалар-

нинг қайта тикланиши мустақиллик йилларидаги жўшқин тараққиёт жараёнини акс эттириб турибди. Халқимизнинг табиатига мос ва хос бўлган ободончилик ишлари, озодалик ва покизаликнинг яққол намунаси. 2007 йилда «Ислом маданияти маркази» дея тан олинган Ватанимиз юраги — азим ва гўзал Тошкентнинг бугунги қиёфаси фикримизнинг эркин далилидир.

— Яратувчилик, бунёдкорлик халқимизнинг энг бетакорор фазилатларидан биридир, — деди Юртбошимиз Ўзбекистонда бунёд этилаётган иншоотларни, қурилаётган йўлларни кўздан кечирар экан. — Бундай мухташам, гўзал, обод, қўйингки, жаннатга монанд ўлкамизнинг бугунги чироғидан нечун фахрланмайлми! Ахир, ҳавас қилса, ҳайратланса арзийдиган ишлар амалга оширилмоқда...

Ха, номинг буюк, шаънинг улуг — Ўзбекистоним! Замонлар ўтиб, вақти келиб, бундай эзгу ишларнинг бунёдкорлари — замонашларимиз келгуси авлодларнинг фахр ва гўрурига муносиб ажодлар сифатида ёд этилгусидир.

Сайёра РИХСИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири.

ЎҚУВ ЙИЛИГА ТУҲФА

Зангиота тумани Хонобод қишлоғидаги 25-умумтаълим мактабини капитал реконструкция қилиш 2004-2009 йилларга мўлжалланган умуммиллий Давлат дастурининг 2007 йилги режасига киритилган эди. Қишлоқ болалари ўқув йилини янги қиёфа касб этган мактабда бошлади.

Бу ерда қарийб 800 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. 1400 ўринга мўлжалланган муассасада 2 та янги бино ҳамда спорт зали қурилди. Фан кабинетлари ва бошқа синф хоналари янги жиҳозлар билан таъминланди.

Мактабдаги бунёдкорлик ишлари «Модернстрой» қорхонаси томонидан бажарилди.

Равшан РУСТАМОВ.



МУНОСИБ ТЎЁНАЛАР

Бу йил вилотимизда истиқлол иншоотлари алоҳида салолат ва қиёфа касб этаётди. Хусусан, Бекобод шахар марказий шифонасига қарашли 1-оилавий поликлиника ҳамда асб-руқий касалликлар диспансерининг очилиши аҳолига яна бир қулайлик яратди.

Охангарон шахрида фойдаланишга топширилган замонавий туғруқхона ҳам чинакам байрам совғаси, дейиш мумкин. Бу масканда элимизнинг муносиб фарзандлари дунё юзини қўришига шу-ба ҳа ҳа.

Яқинда ишга туширилган қатор савдо мажмуалари ҳамда озиқ-овқат дўконлари Чирчиқ шаҳри қиёфасини янада оңадиган бўлди. Бундан ташқари шаҳарликлар кундалик маҳсулотларни харид қилишда қўшма қулайликка эга бўладилар.

Халқимизнинг тўй-ҳашамлари бисёр. Бундай кунларни фазли ва тантанали ўтказиш учун байрам арафасида Бўка тумани марказида янги тўйхона қуриб, фойдаланишга топширилди.

Юқориричиқ тумани Жамбул қишлоқ фуқаролар йиғини Олга қишлоғидаги янги 17-умумтаълим мактаби қурилиши учун давлат бюджетидан 387 миллион сўм маблағ ажратилди. 460 нафар бола янги ўқув йилини ана шу мактаб кўчсига бошлади.

Булари Ўзбекистон деб аталган, бугун дунё тан олган азиз ва муқаррам юртининг мўъжаз бир гўшасидаги ўзгаришлардан атиги бир шингил, холос.

Дарвоқе, бугун тадбиркорлик билан ҳалол меҳнатга бел боғлаганининг дастурхонини фазийиб, хонадонни обод. Элининг, юртининг ҳурмат ва эътиборига ноил бўлмоқда. Буларнинг бари ақиллик ва ҳалоллик билан бошланган хайри ва эзгу ишларнинг ширин меvasидир.

Қаранг, не саодатки, қалам аҳли вақиллари — иҳодкорлар ҳам истиқлол меvasидан баҳраманд бўлмоқдалар. Менинг камтарона меҳнатим эътироф этилгани қўсимми тоғдек кўтариб юборди. Оддий қаламим билан қадр топдим. Эътибор топдим. Бу юксак ишонч мени шу азиз ва мўътабар Ватанга янада сидқилликдан хизмат қилишга ундамоқда. Барча тоза қалбларга миллий истиқлол гўяларини олиб қилишдек улуг мақсад йўлида янада фидокорлик кўрсатишга ўзимда бекиёб журъат сезяпман.

Собиржон ИНОМОВ,

Пскент тумани

«Пскент ҳаёти» газетаси

муҳаррири ўринбосари,


«Меҳнат шуҳрати»

ордени соҳиби.

Исптихор

Бўстонлик тумани нафақат вилотимиз, балки бутун мамлакатимизнинг энг сўлим ва хушхаво масканларидан бири. Бу гўшанинг бетакорор сулувию пурвиқор тоғлари, покиза чашмаю булоқларига мафтун бўлганлар ширингина муболага билан «Жаннатнинг жамоллини кўрмоқчи бўлсангиз, Бўстонликка бир келинг» дейишади...

Истиқлол шабадалари эса бошлаган дастлабки йилларданок Бўстонлик тумани, хусусан, унинг юраги бўлмиш Ғазалкент шаҳри ҳам дунё нигоҳига туша бошлади. Ўзқажин хориқ мамлакатларидан шунчаки саёхатга келганлар



БИЗГА ҲАВАС БИЛАН ҚАРАМОҚДАЛАР

ҳам бир яхши, истиқболли ниятни кўнглиларига тугиб қайтишаётган бўлса ажабмас. Негаки, бу ердаги табиий иқлим, муносиб шарт-шароит, дўстона, самимий муҳит ҳар қандай хориқлик ишбилармонни ҳамкорликка қорласи шубҳасиз. Шунданми, бугун бу дунёда фаолият юритаётган хорижий сармояли, йирик қўшма қорхоналар сони ўндан ошиб кетди.

Тумандаги «Конвин» — Ўзбекистон-Америка қўшма қорхонаси ана шундай йирик саноат тузилмаларидан ҳисобланади. Ассосан узумни қайта ишлашга ихтисослашган қорхонада кейинги йиллар ишлаб чиқариш технологияларини модернизациялаш ва асбоб-ускуналарни тўдан янгилаш баробарида тайёрланаётган халқ истеъмол молларининг тури, ҳажми ва албатта, сифатини юксалтиришга муваффақ бўлибди. Қорхонанинг ўз ҳисобига ва таъсисчилар ёрдамида бу мақсадлар учун 100 миллион сўм ва 90 минг АҚШ доллари сарфланди. Бундан ташқари ишлаб чиқаришга маҳсулот сифатини риволдагидек сақлаш, харидорларга узулқиз етказиб бериш мақсадида лойиқа қиймати 150 миллион сўм бўлган тайёр маҳсулот омбори қурилди. Шу билан бирга қурилаётган фойдаланиш салмоқли қисми қорхонада меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини қўлайтиришга йўналтирилмоқда. Айтайлик, қорхонада иш ҳақлари ўтган йилга нисбатан икки баробардан кўпроқ оширилиб, бугунги кунда ўртача 150 минг сўмга етказилди.

Янги иш ўринлари яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётди. Бу борада айдиқса, давлатимиз раҳбарининг «Йирик саноат қорхоналари билан қасаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш

чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳим дастурий амал бўлмоқда. Бу муҳим ҳужжатдан келиб чиқиб, ўтган 2006 йилда қасаначилик асосида 25 та иш ўрни очилган бўлса, 2007 йилнинг шу даврига келиб яна 26 та киши ўз йўсунда иш билан таъминланди. Йил охиригача 39 нафар маҳаллий аҳоли вақиллари учун ана шундай қўшма иш ўринлари ташкил этиш режалаштирилган.

Албатта, бунга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Бунинг замирида қорхона ишлаб чиқариш тармоқларининг барқарор ривожланаётганлиги, ишонли ҳамкорлик асосида истиқболли лойиҳалар, энг муҳими, бевосита давлатимиз ғамхўрлиги билан саноат қорхоналари фаолиятини тўдан ислоҳ қилиш, инвестиция дастурларини таътиб этишга қаратилган мақсадли чора-тадбирлар ижроси изчиллик касб этаётгани ётибди, десак хато бўлмайди.

Келинг, шу ўринда қорхонанинг бугунги фаолияти ва ишлаб чиқариш салоҳияти, яқин келгусидаги мақсад ва режалар ҳусусида ҳам тўхталсак.

Ўтган йили қорхонада 4 миллиард 673 миллион 670 минг сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Тайёрланаётган маҳсулот тури ва ҳили 50 дан ошди. Шунингдек, маҳсулот ҳажмини қўлайтириш ва хом ашё етказиб беришчилар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва ўзаро қўлайлик яратиш мақсадида дадил қадамлар ташланди.

Ўтган йили қўшма қорхона шафелигида туманининг олис «Қизилсув» қишлоғида «Ўзбекистон-Холдинг» компанияси таркибига кирувчи хусусий «PINO SHAROB» ишлаб чиқариш қорхонаси ташкил этилди. Қорхонани қўллаб-қувватлаш ва ривожланишга қўшма мақсадида янги тоқзор ва боғ барпо этиш учун вилот ҳокимиятининг қарори билан 250 гектар ер ажратилди. Яна минг гектар лал-

ми майдонни қорхонага бириктириб бериш кўзда тутилган. Ҳозир ажратилган ерда янги узумзор ташкил этилиб, риволдагидек парваришланаёти.

— Дўйримизда мева-сбзавотчилик, хусусан, узумчиликни ривожлантириш учун барча шароитлар мавжуд, — дейди қўшма қорхона бош директори Машираб Махсумов. — Айтиш мумкинки, мамлакатимизда узумчилик ва виночилик аъёнлари яхши шаклланган. Шунинг учун ҳам тармоқ истиқболли учун ҳукуматимиз қаратаётган эътибор маҳсулот етиштирувчи фермер хўжаликлари ва қайта ишлов қорхоналари ўртасидаги ҳамкорликни қўлайтириш, таъбир жоиз бўлса, улар бошини қўвиштиришда катта туртки бўлмоқда. Бу каби қорхоналарнинг ташкил этилиши, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтириш, ўзбек виносининг жаҳонаро шуҳратини янада кўтарилга хизмат қилади.

Маъкур қорхонанинг ишга туширилишидан қўзланган асосий мақсадлардан яна бири юқори тоғли ҳудудларда узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликлари учун қўлайлик яратишдир. Авваллари фермерлар узум ва мева-чеваларни марказга келтиришда қийинчиликларга дуч келар, боз устига йўл-йўлакай хом ашёнинг шарбапти оқиб, путури кетарди. Яна йўл, транспорт харажатлари ҳам бор эди.

Эндиликда фермер хўжалиқларидан қабул қилинадиган узумни шу ернинг ўзида қайта ишлаш ва экспортга мўлжалланган оқ ва қизил винолар ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Энг муҳими, бу ерда яна 100 нафар маҳаллий аҳоли ишли бўлди.

Шу йил май ойида «Конвин» қўшма қорхонаси россиялик ҳамкорлар билан яна бир истиқболли лойиҳани амалга оширишга киришди. Россиянинг «Альянс» компанияси билан Ўзбекистон —

Россия қўшма қорхонаси тузилиб, қурилиш ишлари даярили нҳияланди. Қорхона фаолиятини йўлга қўйиш учун 350 миллион сўм ва 217 минг АҚШ доллари микдоридан инвестиция жалб этилди. Илгор технология дасдохлар билан жиҳозланган қорхона ақин кунларда иш бошлаши режалаштирилган. Қорхона ишга тушган, россиялик ҳамкорлар меваалардан экспорт-боп шинни тайёрловчи технология линия келтириб ўрнатиш ва яна 1,5 миллион АҚШ доллари микдоридан инвестиция киритишни зиммаларига олганлар.

— Бундай мақсадларга эришимиздаги энг асосий омил — шубҳасиз, истиқлол бераётган куч ва имкониятлардир, — дейди пировардида Машираб Махсумов. — Илгарилари бирор қўйишга қадок-ка маҳсулотни йўлга олмас, «Бу қайси хорижий давлатда қилиб чиқарилган экан» дея дарров ёришга қарардик. Не бахти, энди бундай ҳайрат ва ҳавас бизга бегона. Аксинча, ўзимизда тайёрланаётган маҳсулотлар билан бутун дунёни ром этаётишимиз. Мен шу қорхонада ишлаб, жуда кўп хориқ мамлакатларда бўлдим, халқро аңжуман ва қўрғазмаларда қатнашдим. Маҳсулотларимиз сифатига АҚШ, Франция, Ялта ва Сочи шаҳарлари қўрғазмаларида олтин медал ва дипломлар берилганидан нечоғли фахрланганимиз сўз билан ифодали олайман. Чиндан ҳам, биз бугун жаҳон бозорига чиқдик, бизни дунё тан олди!

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,

«Тошкент ҳақиқати»

муҳбири.

СУРАТДА:

(чапдан) шаробсоз Фатхулло Норматов узумни қайта ишлаш цехи хизматчиси Саид Йўлдошев билан мавсумга тайёргарлик ишларини кўздан кечирмоқда.

Даврон АХМАД

олган сурат.

«Ўқитувчим — ғархрим» танловига

Уч-тўрт ёшли қизалоқларни кўп қузатгансиз, албатта. Улар кўпинча қўлларига қўғирчоқ олиб, боғча опалари ёки оналарига тақдир қилиб гапиряшади. Маҳалла қизлари «меҳмон-меҳмон» ўйнаганларида Умида қўғирчоқ эмас, ўйинчоқ машина олиб чиқарди. Кейин «меҳмон»ларни — қўғирчоқларни машина йўлдан ўтказарди, баъзан машинасида уларни «ўларига» элтиб қўярди.

Жажи қизчадаги машина бўлган ҳавасни сезиб, ота-онаси ҳам унга турфа хил ўйинчоқ машиналар совға қилишарди. Умида: «Катта бўлсам, албатта, машина хайдайман», — деб, доғоналарига кўп гапирарди. Мактабга кетаётганда эса онасининг: «Қизим, машиналардан эҳтиёт бўлиб юр, светофорга қара» деган сўзларига жавобан: «Ойижон, ҳаво-тир олманг, устозим бизни йўлдан ўтказиб қўядилар-ку» дерди.

Тошкент туманидаги 9-мактабини «олтин медал» билан битирган Умида Тошкент давлат университетини — (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг ўзбек филологияси факультетига кириб ўқий бошлади. Тиринчоқ талаба ўқийдиган ажралмаган ҳолда Тошкент давлат политехника институтига лаборант бўлиб ишлади. 1993 йили ўзи ўқиган мактабига қайтиб, она тили ва адабиёт фанидан дарс бера бошлади. Ёшлиқдаги орузи — машинага қизикиб 2002 йилда уни «Ватанпарвар» жамиятига етаклади ва хайдовчилик курсида ўқиб, гувоҳнома олди. Шундан сўнг, унга 5-8-синфларда «Йўл ҳаракати қоидалари» фанидан ҳам машғулот олиб бориш топширилди.

Меҳнатлари, изланишлари бесамар кетмади. Бугун

ҳини тузганмиз. Гуруҳ аъзолари ўқувчиларнинг катта кўчани кесиб, мактабга келиш ва кетишларини назорат қилиб турадилар. Бошланғич синф ўқувчиларини уйга қузатишда ёрдам берадилар.

Дарвоқе, Умида Каримо-

нинг ўзиёқ Умида Каримованинг тиниб-тинчимаси, фидойий устоз эканлигини кўрсатиб турибди. У ўқувчиларини дарсида, уйда, қўчада — ҳар жойда, ҳар доим хушёр бўлишга ундайди. Чунки хушёрлик, огоҳлик — саломатлик асоси.

Умида Каримова «Ахборотни эслаб қолиш»да ўқитиш усулларининг таъсирини яхши билади. Ўқувчи маърузада эшитганининг 5 фоизини, ўқиганининг 10 фоизини, видео, расм, қўрғазмаларни кўрганининг 20 фоизини, мунозара усулида бирга муҳокама қилишнинг 40 фоизини, мақал орқали ўқиган, ёзган, гапирганларининг 50 фоизини эслаб қолади. Умида эса ишбилармон ўйин, лойиқа усулларидан фойдаланиб, муҳокама, ҳимоя, намойиш орқали 75 фоиз ахборотни ўқувчиларга эслаб қолдиришга ҳаракат қилади. Ижодкор муаллимнинг иш таҳрибаси туман ва вилотда оммалаштирилди. У тайёрлаган тестлар тўплами китоб ҳолида қол этилди.

Умр ва соғлиқ — катта бойлик. Соғлом ҳаёт кечиряш эса — икки қарра бахт. Ана шу ҳикматни фарзандларимизга мактаб партасидаёқ сингдиряётган, бахтсиз фалокатлардан асровчи қоидаларни ўргатаётган Умида Каримова сингари устозлар ўқитаётган «Йўл ҳаракати қоидалари» фани иккинчи даражали эмас, балки асосий фан. Зеро, у соғлом болалар камол топишида муҳим ўрин тутди.

Маҳмуда ВАЛИЕВА.

ЎЙИНЧОҚ МАШИНАЛИ ҚИЗАЛОҚ

«Ўйинчоқ машинали қизалоқ» йўл ҳаракати қоидалари ўқув курси бўйича «Йўлнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2007» кўрик-танловининг республика босқичи ғолиби. У Термиз шаҳрида ўтказилган кўрик-танловда фарҳали биринчи ўринни эгаллади ва мактаби, сеvimли ўқувчилари, тўрт нафар ўғли бағрига ёруғ юз билан қайтди.

— Соғлом фарзанд — оилага қувонч келтиради, — дейди Умида Каримова. — Лекин, болалар саломатлиги, ҳаётига ҳавф соладиган бахтсиз ҳодисалар, жумладан, йўл-транспорт ҳодисалари ҳам учраб туради. Болалар шикастланишининг олдини олиш ва қамайтириш муаммосини ҳал қилиш ва ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлашда биз ҳам масъулкини ошirmoғимиз керак. Шу мақсадда мактабимизда «Ёш автоназоратчилар» гуру-

ва раҳбарлигидаги автоназоратчи ўқувчилар «Яшил чироқ» мусобақаларининг туман, шаҳар, республика босқичларида ғолиб чиқяшган.

Ҳамкасбим Умида жуда изланувчан, янгилликни итилуван педагог, — дейди Моҳира Лазиева. — Дарсларда қўрғазмалар қуроллар ва техника воситаларидан кенг фойдаланади. Педагогик кенгашидаги маърузалари ҳам мазмунли. У туман ички ишлар бўлими ходимлари иштирокида «Йўл қоидаси — умр фойдаси», «Пиёда, умринг бўлсин зиёда», «Қиққат, болалар!» мавзуларида суҳбат ва ўрашулар ташкил этади. Ўзбекистон телевидениесида иш фаолиятининг ёритилиши, республика матбуотида мақолаларининг эълон қилиниши, бир неча услубий қўлланмалар муаллифи эка-

Одатда 1-синф ўқувчилари харфлар билан танишиб бўлган, «Алифбе байрами» ўтказадилар. Умида эса «Йўл белгилари сўзлаганда» деб номланган «Белгилар байрами» тадбирини уюштилади. Ижодкор муаллимнинг бу тадбири саҳна қўйишларига йўл белгиларининг шеърли чиқишлари билан ўқитувчи ҳамда ўқувчиларга манзур бўлмоқда.

Ноананавий дарслар учун бир қатор фаоллаштирувчи — «Дебат», «Ақлий ҳужум», «Интервью», «Тақдирим», «Ташриф», «Гуруҳларда ишлаш» ва бошқа усуллар мавжуд бўлиб, ҳар бир ўқитувчи уларни яхши билади. Лекин, бу методларни билишнинг ўзи кифоя қилмайди, балки дарс жараёнида ўз ўрнида қўлайли олиш мумкидир. Дарсони фақат ўйинга айлантириб юбориш ёки бир соатлик дарсида 5-6 хил усулдан фой-



Истиқлол билан тенгдош, мўйлаби сабза ура бошлаган йилгичга туйқусдан бундан 16 йил муқаддам у ер-бу ерда бўлган томшувок уйлар-у, дўлана шохидан қилинган четан деворлар ҳақида гап очиб қўринг.

Алҳол ишонмаслиги аниқ, бу унга бамисоли эртадек туюлади. Ҳа рост-да, йилгича ёруғ дунёга келиб, кўз очиб қўргани бир олам ўзгаришлар-у, эвирилишлар бўлди. Напармон янгиланган чойшабида эркаланди. Жамкики қулайликлар-у, имтиёзлар беланчагида роҳат тоғди. Кечаги пасткам уй-жойлар ўрнида Ўргутнинг мармалари билан ишланган, ақини шоширадиган безакли иншоотларни кўрди. Ҳамма қулайликларга эга боғчаларда тарбияланди, мактабларда тахсил олди. Йилгичча эркаланди, ҳаволаниб ўсди. Шу азиз юртда мўъжизалар яратиш тўйгуларини жажи юрагига жойлаб улғайди. Бу йилгичча кўзи билан кўрмаган, тиниқ тасаввурига сигдиролмаган ҳақиқатларни «ҳазм» қила олмаслиги кундек равшан.

Чиндан ҳам жаннатмакон Ўзбекистонимизнинг кичик бир гўшаси — Пскент шаҳри мустикаллик даврида мисли қўрилмаган даражада ўзгаришга юз тугди. Тарихан жуда қисқа фурсатда унинг қиёфа-

ХАРИДИМИЗ ЎЗИНИ ОҚЛАЯПТИ

Инсон омили мустақиллик йилларида жамият таракқиётининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг дастлабки бандларидаёқ ўз ифодасини топган. Шу боис тиббиёт соҳасидаги ислохотлар изчил тус олдирилиб, фуқароларнинг соғлигини сақлаш, уларни дам олдириш ва даволаш давлат ижтимоий сиёсатининг етакчи йўналиши бўлиб қолди.

Узоққа бормаёлик. Бизнинг «Электримёсаноат» корхонамизнинг ўзида бу соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирлар тиббий хизмат ҳамда ҳодимларни дам олдиришнинг яхлит тизими шаклланишига олиб келди. Холбуки, кўп йиллардан буён ишчиларимизга хизмат қилиб келган санаторий-профилакторий ҳам эркин савдога қўйилган эди. Корхонамиз маъмурияти уни 60 миллион сўмга сотиб олиб, тиббий реабилитация марказига айлантирди. Бинони тўлиқ қайта таъмирдан чиқариш учун яна 247 миллион сўм сарфланди. Шу жараёнда дам олиб, даволанувчилар учун икки-тўрт кишига мўлжалланган хоналар замонавий мебеллар билан жиҳозланди.

Энг муҳими, марказ янги, замонавий тиббий муолажа усулларини билан таъминланди. Уч-тўрт йил илгари санаторий-профилакториймизда бўлган киши бугун уни асло таниёлмайди. Тиббий реабилитация марказида даволанувчилар учун қулай шароитлар яратилган. Дам олиш чоғида маданий хизмат турларини кенгайтиришни кўзлаб, «уй кинотеатри» ташкил этилди. Газета ва журналларнинг янги сонлари олиб турилади.

Яна бир гап. Реабилитация марказида алоҳида спорт хонаси барпо этилди. У ҳам энг янги спорт анжумлари билан жиҳозланди. Бу даволанувчиларда жисмоний

ний машқлардан оқилона фойдаланиш имконини бераётди.


Ҳозирги пайтда тиббий реабилитация марказида юқори малакали терапевт, кардиолог, гинеколог, уролог, стоматолог, невропатолог ва бошқа ихтисосдаги шифокорлар хизмат қилишаётди. Шунингдек, сув билан даволаш бўлими, фитобар, массаж ва муолажа хоналарида ҳам тажрибали тиббиёт ҳодимлари ишлаб туришди.

Йўлланманинг ҳозирги қиймати 14 кун учун 186517 сўм. Лекин ишчи ва хизматчиларимиз бор-йўғи 45 минг сўм тўлашади, у ҳам иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоб чоғида ойлик маошдан ўшлаб қолинади.

Лекин меҳнат жамоаси аъзоларининг шундай тоифаси борки, уларга йўлланмалар бепул берилади. Корхона фахрийлари, уруш қатнашчилари шу тоифадаги даволанувчилардир. Меҳнатчиларнинг бошқа бир тоифасига йўлланмалар имтиёзли асосда, 10 фоизли қийматда берилаётди.

Ишчи-хизматчиларни даволаш учун корхона маъмурияти бу йил 340 миллион сўм сарфламодда. Бу миллий мустақиллигимизнинг шарофатидир.

Х. КОСИМЎЖАЕВА,
«Чирчиқдаги
«Электримёсаноат» очик
акциядорлик жамияти
қасаба қўмитаси
раисининг ўринбосари.



Нишондорларимиз

Абдумалик ака кийимларини тартибга келтирди, қўл телефонини шошиб чўнтагига солди-да, машинасида туман марказига йўл олди. Ҳали қишлоқдан чиқмасиданок телефон жиринглади. Мана шу симфониянинг ўйлаб топганининг орасига раҳмат. Оғирингни енгил, узогингни яқин қилади. Муаммоларнинг тенг ярмини телефон орқали ҳал қилса бўлаверади. Мана шундай ҳаёллар билан Абдумалик ака машинасини тўхтаб, телефон тугмасини босди.

ТОПГАНИНГИЗ ТЎЙЛАРГА БУЮРСИН

— Саидакбар, отангнинг телефони жавоб бермаяпти. Сомонга харидор келди. Абдумалик акамни қандай топамиз?

Бу ҳўжалик аъзоси Худойберди Боймоновнинг овози эди. Абдумалик ака аввалига хайрон бўлди. Кейин хатосини тушунди: уйдан чиқаётиб шошилангидан ўзининг эмас, ўғли Саидакбарнинг телефонини кўтариб чиққан экан. Ота ва ўғил бир хил русумдаги аппаратлардан фойдаланишарди. Сир бой бермади.

— Бир соатдан кейин шартнома тузиш учун тегиримонга муҳр билан келавинглар!

Тегиримон — бу фермер ҳўжалигининг идораси. Ёшлар уни «офис» ҳам деб аташади. Гап унинг қандай номланишида эмас, ҳўжаликнинг ишлари айнан шу ерда ҳал этилади. Тегиримон дейилишига сабаб шундаки, Абдумалик ака бундан 15 йил муқаддам, фермерлик фаолиятини эндиғина бошлаганда, электр тегиримон сотиб олиб мана шу ерга, ташландик дала шийониғига ўрнатган эди. Дастлаб тегиримон яхши ишлади. Ҳамқишлоқларига бугундан уни тортиб берди. Чорвадорларга омухта ем — ёрма тайёрлади. Ҳозир тегиримон фақат жўҳоридан, арпадан ёрма тайёрлашга ишлатилапти, холос.

Абдумалик фермер тузилажак шартнома ҳақида ўйлади. Бу йил ҳам бугундан мўл ҳосил этиштирилди. 100 гектар майдондан 45 центердан дон йиғиштириб олинди.

Эрта баҳорда лизингга «Класс доминатор» комбайнини сотиб олгани роса қўл келди. Ўз беминнат техникасида бугун ҳосилини нест-нобуд қилмасдан, муддатда йиғиштириб олди. Тумандаги қўшни фермерларга ҳам ёрдам берди. Албатта, шартнома асосида. Негаки, фермерлар фаолиятини шартномалар бошқариб турибди.

Ҳўп замон бўлди-да. Доннинг ўзидан олган даромади қанча. Давлатнинг хирмони, фермер ҳўжалиги аъзоларининг бордони донга тўлди. Сомонини айтмайсизми? Ўз техникаси ёрдамида уни ҳам преслаб, ёпиқ бостирмага тахла кўйди. Мана харидор ҳам ўз оёғи билан келаяпти.

Техникага суянган деҳқон кам бўлмайди. Абдумалик аканинг «машина-трактор парки» деган ташкилотта иши тушмағанига анча бўлди. Ҳамма техника ўзида бор. Хар йили орттириганига биттадан трактор сотиб олади. Ҳозир ҳўжалигида 11 та турли хил русумли тракторлар бор. Фермерга яна нима керак? Лекин шу сомонни сотиб юбораётганидан озгина кўнгли тўлмаяпти-да.

Бўёғи бир молхона ҳам қуришни режалаштириб турибди...

Яна телефон жиринглади:

— Жиян, цементнинг нархида фарқ бор, олаверайми?

Бу — укаси Икхўйнинг овози. Оғилхона қурилишини ўғли билан укасига қўлаб қўйган. Улар ҳаммаша бамаслаҳат иш қилишади.

— Ҳечқиси йўқ, олаверамиз, — деди Абдумалик ака овозини бир оз майинлаштириб.

Қорамолдан фойда кўп. Бўнинг устига ем-хашак ҳам ўзидан чиқиб турибди. Картошка поясидан ҳам дағал хашак сифатида фойдаланса бўлади.

Бу йил 15 гектар майдонга картошка экиди. Уруғлини Абдумалик аканинг ўзи тайёрлади. Биринчи репродукция. Ҳосил чўғи уруғликка ҳам боглик, деганлари рост экан. Гектаридан 40 тоннадан хирмон кўтарди. Картошка омборларга сигмай кетди. Бозорлардаги арзончиликни кўриб, Абдумалик ака қувонади. Ҳамма нарсани ҳам пулга қақавериш керак эмас, деб ўйлайди у.

Абдумалик аканинг ҳаёлини телефон овози бузди:

— Саидакбар, отанга айтиб қўй. Болалар богчасига 1,5 тонна картошка олиб бориб бердим.

— Яхши қилибсиз, — деди Абдумалик фермер сир бой бермай. — Ҳалқимизда берганга бераверади, деган гап бор.

«Мурувват — борини бермак, демак йўқ», деган машҳур сатрлар унга ёд бўлиб кетган. Шунданми, сахийлик Абдумалик фермернинг бош шиори. Фаолиятини бошлабдики, ҳамқишлоқларига ёрдам бериш одатига айланган. Айниқса, Икхўйнинг хирмони йилда бу ҳимматнинг қўлами анча кенгайди. Тўнов кўни бухгалтер ҳўжаликнинг кўрсатган муруввати 20 миллиондан ошганини айтган эди. Абдумалик ака ўзини эшитмаганликка солди...

Ўзи бу йил сирғи ҳаёда этган 4 нафар оиланинг иссиқ-совуғидан хабар олиб туради. Сигирларга ем-хашак, дегандек... Бу ишни ўзгаларга ишонмайди.

Катта асфальт йўл ёқасида пахта далалари бошланди. Дала ўртасида ишчи органлари гўза ҳосилларига зарар етказмайдиган қилиб ўрнатилган трактор ишлаб турибди. Ҳосил чўғи баланд. Бўлик қўсқалар бодраб очилляпти. Азаматлар ҳалол меҳнат қилишди. Энди ҳосилини ими-жиммида саранжомлаб олишса бўлган.

Яна телефон жиринглади.

— Саидакбар?

— Мен Абдумаликман, — деди фермер.

— Э, яхши бўлди, ўзингизни топдим. 10 гектарлик контурга ОВХда ишлов бердим. Энди нима қилай?

Абдумалик ака тракторига галдаги вазифани эринмай тушунтирди. Кечга яқин олдига боришини айтди.

Ҳозир гўзанинг сўнги ишлови катта эътибор бериляпти. Бундан қувват олган гўзалар ҳамма кўчини ҳосил учун сарфляпти.

Бу йил фермер ҳўжалиги аъзолари 75 гектар майдонга пахта экишган. Хар йилдаги каби 40 центерлик маррани кўзлаб туришибди. Деҳқонлар пахтачилик илмини пухта эгаллашган. Мўлжал заёт этилишига ҳамма шароит ва асослар бор. Энг муҳими, Абдумалик ака

билан ишлаётганлар ўз меҳнатининг рағбатини кўришмоқда. Ўтган йили олинган 15 уринли микроавтобус пахтакорлар ихтиёрига берилган. Хар кўни шу машинада ишга келиб, ишдан кетишди. Вақт топишса, пойтахтнинг диққатга сазовор жойларини зиёрат қилишади. Концертларга, театрларга боришади.

«Меҳнат қилган одам дам олишни ҳам билиши керак», — дейди фермер. Ота, телефонни алмаштириб кетибсиз-ку.

Бу сафар Саидакбарнинг ўзи телефон қилган эди.

— Шундай бўлибди.

— Республика Фермерлар уюшмасидан сўрашяпти. Кейинги ҳафта пойтахтда фермерларнинг йиғилиши бўлар экан. Тажрибаларингизни гапириб берар экансиз. Даровке, менга ҳеч ким кўнгирик қилмадимми?

— Йўқ, — дея гапни қўсқа қилди ота.

Шу пайт яна телефон жиринглади.

— Саидакбар ака... — кутилмаганда қўз боланинг майин овози эшитилди.

Абдумалик ака нима дейишини билмай қолди.

— Саидакбар ака, ўзингизмисиз?

— Йўқ, мен отасиман.

Телефон ўчди.

Абдумалик ака қайси рақамдан кўнгирик бўлганини аниқламоқчи бўлди-ю, лекин нимагадир ботина олмади. Ёшлиғида ўзи ҳам шўх бўлганини эслади.

Уюшмада ишларини битиргач, Абдумалик ака уйига қайтди. Қўлига ўзининг телефонини олди. Телефоннинг «жавоб берилмаган кўнгириклар» деган саҳифасини очди. Бир соат ичида ўғлининг телефонига гаплашган рақамлар ўз телефонига ҳам сақланиб қолган эди. Фақат сўнги кўнгирик рақами тушмаган экан. Абдумалик ака негадир ўзини жуда хурсанд ҳис қилди. Бир соат давомида ўғли тўлиқлида мўносиб шоғирд тайёрлаганиданим, иши юришганидан юришиб кетаётганиданим ёки бошқа сабабдими? Хар қалай буларни ажрата олмади...

Биз бу лавҳани Окўрғон туманидаги «Покиза-М» фермер ҳўжалиги раҳбари, Истиклолимнинг 16 йиллик байрами арафасида Юртбошимиз Фармонига мувофиқ «Дўстлик» ордени билан мукофотланган Абдумалик Каримов ҳаётидан олиб ёздак ва уни «Тоғанингиз тўйларга буюрсин, Абдумалик ака» деб ниҳоялдиқ.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,
журналист.




«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»

халқаро хайрия
жамғармасининг
Оҳангарон шаҳар таянч
пункти жамоаси

Юртаошларимизни
Инсонпарварлик
ғоялари қарор топаётган —

Она Ўзбекистонимиз
мустақиллигининг
16 йиллиғи
билан самимий
муборакбод этади.

Мустақиллик берган
эрк ва имкониятлар
халқимизни истиқболли
режаларга унаёйверсин.
Улуғ мақсадалар ўйнаб
антипашлар ижобат топиб,
саховатли заминимизда
тинчлик, фаровонлик
ҳукм сурарсин!



"Toshkent Regional Trading" акциядорлик компанияси компаниянинг Чирчиқ шаҳрида жойлашган "Чирчиқ-муз" шўъба ҳўжалик жамияти 2007 йил 1 сентябрдан тугатилганлигини маълум қилади. Шўъба ҳўжалик жамияти номига шикоят ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида Чирчиқ шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 40-а уй манзилида тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади. Телефон: 8-37071-5-33-33.

Мамлакатимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида «Анкур» масъулияти чекланган жамият қурувчилари ҳам фаол иштирок этишмоқда.

«АНКУР»НИНГ УЛУШИ

Пойтахтнинг Юнусобод туманида жойлашган мазкур қурилиш ташкилоти йил бошидан буён Олмалик шаҳри, Бўқа тумани ва бошқа ҳудудларда буюртма асосида 3 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини бажарди. Айни вақтда Буқадаги «Меҳрибоналик уйи»нинг очик сув ҳавзаси, шунингдек, «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик бирлашмаси тасаруфидидаги соғломлаштириш марказида олиб борилаётган таъмирлаш ишлари ниҳоясига етмоқда.

Мунаввара ИСОКУЛОВА.


ҚИЗИҚИШ КАТТА

«Ахтар» масъулияти чекланган жамияти техника ижодкорлари Ўзбекистон Миллий университетини профессорлари Анвар Хамидов бошчилигида иштирок қилган янги моделдаги «Гидротаран» қурилиш масисига ҳозирданок қизиқиш ортиб бормоқда.

Янги насоснинг «ГТ-500» русумидаги намунаси Паркент туманининг тоғли ҳудудида ўрнатилди. У сувни 35 метр баландликка кўтараётди.

Эндиликда «Гидротаран»ни тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги кичик ва ўрта фермер ҳўжалиқларининг боғ ва экинзорларини сугоришда кенг қўллаш тадбирлари қўрилмоқда.

Акбар АЛИЕВ.



МАВСУМ ОЛДИДАН КЎРИК

Янгийўл шаҳридаги 2503-автокорхона жамоаси мана бир неча йилдирки санат, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа соҳаларда хизмат кўрсатиб келмоқда. Корхонанинг 248 та юк машинаси ёрдамида буюртмалар тўхтовсиз бажарилмоқда.

Корхона томонидан шу йилнинг 7 ой мобайлида 450 миллион сўмлик иш бажарилди ва 163 минг тонна юк ўз манзилига етказилди.

— Айни кунда пахта мавсумига тайёргарликни яқунлаяптимиз, — дейди корхона раҳбари Сайфиддин Сирожидинов. — Транспортларимиз таъмирдан чиқарилиб, яна бир бор техник қўриқдан ўтказилмоқда.

Бу йил пахта мавсумида корхонанинг олти ярим тоннага юк оладиган 30 та махсус машиналари иштирок этади.

СУРАТЛАРДА:

корхона ҳаётидан лавҳалар.
Еркебой БОТИРОВ
олган суратлар.



"Respublika Mulk-Auksioni" ДУК

барча сармоядорларни, бошланғич баҳосининг ошиши тартибиде ўтказиладиган очик АУКЦИОН савдоларига таклиф этади.

2007 йил 12 сентябрь кўни соат 15.00 да ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

Русуми	Давлат белгиси	Ишлаб чиқарилган йили	Тури	Бошланғич баҳоси (сўм)
Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилоят ҳўжалик судига қарашли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй.				
"ДАМАС" (ок ранг)	10 AT 439	1996	енгил	4 554 900,0
"ТИКО" (кул ранг)	10 AR 125	2000	енгил	7 228 900,0
Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасига қарашли, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Навоий кўчаси, 18-А уй.				
"НЕКСИЯ ДОНС" (кул ранг)	10 BD 698	2003	енгил	5 329 600,0

Ушбу кундаги савдоларда сотилмай қолган автотранспорт воситаларининг такрорий очик АУКЦИОН савдолари 2007 йилнинг 19, 26 сентябрь кўнлари соат 15.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагини билдирган юридик ва жисмоний шахслар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда "Respublika Mulk-Auksioni" ДУКнинг "Ўзсаноатқурилиш банки" Марказий амалиёт минтақавий филиалидаги 2021000804537599001, МФО 00442, СТИР 206761326, ОКОНХ 84100 ҳисоб рақамига зақалат пули тўлашлари шарт.

Шунингдек, 25 сентябрь кўни соат 15.00 да ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги ер майдони қўйилади:

Мулк номи	Жойлашган манзили	Бошланғич баҳоси (минг сўм)
Зангиота тумани, "Эркин" ширкат ҳўжалиги ҳудудида жойлашган, сатҳи 600,0 квадрат метр бўлган 2-ер майдони	Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Эркин" ширкат ҳўжалиги	927,00

Ушбу кундаги савдоларда сотилмай қолган ер майдонининг такрорий очик АУКЦИОН савдолари 2007 йилнинг 2, 9 октябрь кўнлари соат 15.00 да ўтказилади.

АУКЦИОН савдолари Давлат мулки қўмитаси биносининг биринчи қавати чап қанотидаги савдолар залида ўтказилади.

Имкониятингизни қўлдан бой берманг!
Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шўҳ кўчаси, 55-уй.
Давлат мулки қўмитаси биносининг биринчи қавати чап қанотидаги савдолар ўтказиш зали.
Телефонлар: 139-21-03, 139-83-82, 150-35-55.
Факс: 139-83-77.
Интернетдаги сайтимиз: www.mulk.uz



(Давоми бор).

Хиндистоннинг Ииватур қишлоғидаги маҳаллий ибодатхона ёнида иккита тош мавзуд. Улардан бирининг оғирлиги 55 килограмм бўлиб, иккинчиси тахминан 41 килограмм. Агар катта тошга ўн бир, кичирига тўққиз киши қўл текказиб, керакли бир вазнда сехрли иборани қайтаришса, тошлар, чамаси, икки метр баландликка кўтарилиб, ҳавода бир сония муаллақ қотиб туради, гўёки ернинг тортишиш қўнуни ўйқибед. Бу ҳодиса олимлар томонидан кўп бор қайд этилган, ҳорихлиқ сайёҳлар ҳам бу гаройиҳ воқеани кузатишган. Лекин бу мўъжизанинг бирон-бир ишонарли изоҳи ҳали-ҳануз топилгани йўқ. Ким ва қачон тошларни бу ерга қўйиб кетган ва уларнинг парвози учун айнан ўн бир ёки тўққиз кишининг қўл текказишда қандай синаёт ёро, бунчи ҳам ҳеч ким билмайди.

Телефонлар:
956-12-18, 289-24-87.

Тўнғич БЕК.

Пайтандиз	Osobidlar	Yoshlar	Toshkent
"Ассалом, Ўзбекистон!"	7.00 "Янги Тон"	7.30 "Салом, Тошкент"	7.30 "Салом, Тошкент"
"8-35 "Абзорот".	8.00 "Чоррақдаги уй"	8.35 "Эвизлар", Т/с.	8.35 "Эвизлар", Т/с.
"Заманга яроқлилар"	8.30 "Аяклар тақдирлар", Т/с.	9.00 "Қаҳар жаммасинан концерт"	9.00 "Қаҳар жаммасинан концерт"
"Бозорот"	9.00 Бозорот"	9.45 "Милли дорилар"	9.45 "Милли дорилар"
"Ташкилот"	9.30 "Бунёдкор йиллар"	9.55 "Интервю"	9.55 "Интервю"
"Ташкилот йилбор - келажакка эйла"	9.40 "Нафосат олами", Рассом Умидга Эришловга.	10.10 "Шукрона"	10.10 "Шукрона"
"Ушбаки"	10.00 "Давр"	10.35 "Ушбаки"	10.35 "Ушбаки"
"Табаркур замин"	10.10 "Атларнинг"	10.50 - 12.35 Кино:	10.50 - 12.35 Кино:
"Сўнгинг адаллигини"	10.30 "ВАТАНГАРАПАР"	17.55 Мултифильм: "Қушда амазонкалар пария"	17.55 Мултифильм: "Қушда амазонкалар пария"
"Мен бир ривоят"	11.30 "Манрафати халқимиз - давр таала"	18.30 "Пойтав"	18.30 "Пойтав"
"Абзорот"	12.00 "Ишқимни уй", Т/с.	18.45 "Ушбаки"	18.45 "Ушбаки"
"Доворак самурей", Т/с.	12.40 "Истифол тилқимолар", Т/с.	18.50 "Эвизлар", Т/с.	18.50 "Эвизлар", Т/с.
"Абзорот"	13.00 "ДАВР"	19.50 "Ишқим - реалю"	19.50 "Ишқим - реалю"
"Ўзбекистон, Ўзбекистон"	13.10 "Давринга болон"	20.00 "Пойтав"	20.00 "Пойтав"
"Қўниги риллаш", Т/с.	13.20 "Эртанинг эртас"	20.20 "Воқеано энди соғиш с ума"	20.20 "Воқеано энди соғиш с ума"
"Абзорот"	14.00 "Қўниги риллаш"	21.00 "Қўниги"	21.00 "Қўниги"
"Ўзбекистон халқда ақил"	14.30 "Қўниги риллаш"	21.30 "Пойтав"	21.30 "Пойтав"
"Ўзбекистон - умумий ўлим"	14.55 "Табаркур ум"	21.45 "Ўлим"	21.45 "Ўлим"
"Қўна ва нақилор Марғилон", 1-	15.00 "Янги Кўн"	22.10 "Тошкент"	22.10 "Тошкент"
"Ишқимни халқ"	16.00 "ДАВР"	22.30 "Ўзбекистон"	22.30 "Ўзбекистон"
"1. "Болалар дўстлар"	16.10 "Пўро"	22.50-00.15 Кино: "Сат пик"	22.50-00.15 Кино: "Сат пик"
"Ўзбекистон - шиллака еллар"	17.00 "Сўлиқ халқимиз халқлар"	00.30 "Спорт"	00.30 "Спорт"
"Абзорот"	17.10 "Ўлимизни дўст"	7.00 "Борлоу уру"	7.00 "Борлоу уру"
"Эвиз албом"	18.00 "Давринга болон"	8.00 "Қўниги"	8.00 "Қўниги"
"Ўлимиз"	18.10 "Ўзбек"	8.30 "Мултифильм"	8.30 "Мултифильм"
"Шарофат қўлида"	18.20 "Болалар табаркур"	9.30 "Милло"	9.30 "Милло"
"Ўзбеклар оқилда"	18.25 "Ўзбек"	9.30 "Давринга"	9.30 "Давринга"
"Ўлим"	18.30 "Ўлим"	10.00 "Халқлар"	10.00 "Халқлар"
"Тўлиқ афродидлар", Т/с.	19.00 "ДАВР"	10.10 "Теннис. Осиё чемпионати"	10.10 "Теннис. Осиё чемпионати"
"19.55, 20.05, 21.30 Ўзбек"	19.30 "Аяклар тақдирлар", Т/с.	12.00 - 12.50 Болонки кураш.	12.00 - 12.50 Болонки кураш.
"Ўзбекистон"	20.00 "Ўзбекистон"	13.00 Болонки кураш.	13.00 Болонки кураш.
"Ўзбекистон"	20.40 "Афсонали Марғилон - 2000 йил"	18.15 "Милло"	18.15 "Милло"
"Ўзбекистон"	20.45 "Ўзбек"	18.30 "Халқлар"	18.30 "Халқлар"
"Ўзбекистон"	20.50 "Ўзбек"	19.50 "Милло"	19.50 "Милло"
"Ўзбекистон"	21.35 "Ўзбек"	19.10 "Теннис. Осиё чемпионати"	19.10 "Теннис. Осиё чемпионати"
"Ўзбекистон"	21.55 "Ўзбек"	20.00 "Ўзбек"	20.00 "Ўзбек"
"Ўзбекистон"	22.00 "Ўзбек"	20.45 "Шарофат қўлида"	20.45 "Шарофат қўлида"
"Ўзбекистон"	22.05 "Ўзбек"	21.00 "Автомобил. Гран-при"	21.00 "Автомобил. Гран-при"
"Ўзбекистон"	22.10 "Ўзбек"	21.30 "Халқлар"	21.30 "Халқлар"
"Ўзбекистон"	22.15 "Ўзбек"	21.50 "Ўзбек"	21.50 "Ўзбек"
"Ўзбекистон"	22.25 - 23.50 "Ўзбек"	22.45 "Европротект. Италия чемпионати"	22.45 "Европротект. Италия чемпионати"

8-35 "Ахборот".	8.30 "Айроқ тақдирлар". Т/с.	10.00 "Ғайри".
9-35 "Завтра карболатовский".	9.30 "Биз элмимиз".	10.10 "replay".
11-1 "Боллар дунёси". 2. "Пока-са". Мультирмил.	9.30 "Бунёдкор шакллари".	10.20 "Интервью".
35 "Одамлардан бири".	9.40 "Нафосот олами". Рассом Медат Кахаров.	10.40 - 12.05 Кино: "Час пик".
35 "Марйонлик санъат даргала-".	10.00 "ДАБР".	17.55 "Афшис".
35 "Минг бир ривоят".	10.10 "Интерфутбол".	18.30 "Tostart".
35 "Ахборот".	10.10 "Ишқомили уй". Т/с.	18.45 "Шукронлар".
15 "Даваскар самурай". Т/с.	10.40 "Сотик хизмат хабарлари".	18.50 "Этикалар". Т/с.
35 "Хайт манзаралари".	13.00 "ДАБР".	20.00 "Саломат бўлинг".
35 "Ассолон, Узебекистон".	13.10 "Давринг боласи".	20.00 "Покистон".
35 "Ангил риваъати". Т/с.	13.20 "Эртагим-эртак".	20.20 "Возможно они сошлы с ума". Поз-навыльная программа.
35 "Зилли". Фольклор кушмилари.	13.30 "Эрур". Т/с.	20.50 "Репортаж".
35 "Ахборот".	14.55 "Тақдирлар нури".	21.00 "Жоъба".
20 "Қўшар хақида хақиқат".	15.00 "АНГИ КУН".	21.10 "Покист".
20 "Шарк ривояти".	15.00 "ДАБР".	21.45 "Ғайри".
25 "Узебекистонда ишлаб чиқари-".	16.10 "Пуаро". Т/с.	22.10 "Маърифат фидойилари".
35 "Кўна ва навирон Марйонли".	17.00 "Устоз".	22.30 "Покист".
35 "Одам".	17.00 "Таслим ва тараққийот".	22.50 - 00.10 Кино: "Час пик 2".
35 "Меҳр кўзид". Хатларга шарҳ.	17.25 "Менинг лаъини".	00.10 "replay".
20 "Тулкан атрофидоғилар". Т/с.	17.30 "Меъри солиқ гарови".	7.00 "Бодиро урро".
35 "Саломатлик дастури".	17.50 "Узебекистон симфонияси".	8.00 "Хабарлар".
35 "Минг бир ривоят".	18.00 "Давринг боласи".	8.20 "Мультифильм".
35 "Хабарот сари".	18.00 "Ойқона". Мультирмил.	9.30 "Маъна".
35 "Ахборот".	18.20 "Боллар табассуми".	9.30 "Детектив".
35 "Ахборот".	18.25 "Устозим".	10.00 "Хабарлар".
35 "Ахборот".	18.30 "Мўлук муқот".	10.20 "Тур".
35 "Ахборот".	19.00 "ДАБР".	10.50 - 12.50 Тенис: Осиё чемпионати.
35 "Ахборот".	19.30 "Айроқ тақдирлар". Т/с.	18.00 "Боллар спорт".
35 "Ахборот".	20.10 "Сотик хизмат хабарлари".	18.15 "Мушук тайи".
35 "Ахборот".	20.20 "Водий дудонаси".	18.30 "Хабарлар".
35 "Ахборот".	20.45 "Этикалар".	18.55 "Полк чўдур".
35 "Ахборот".	20.50 "Ишқомили уй". Т/с.	20.00 "Ҷоъба тайи". Т/с.
35 "Ахборот".	21.05 "Билик наволари".	20.50 "Предсказание".
35 "Ахборот".	21.55 "Этикалар".	21.00 "Юнун рўи кураши. Халқаро турнир".
35 "Ахборот".	22.00 "ДАБР".	21.30 "Хабарлар".
35 "Ахборот".	22.50 "Жаҳон киноси "Роулар жанги".	21.50 "Атқоқа суишвет".
35 "Ахборот".	00.40 - 00.45 "Таскин".	22.35 "Дала сенинг".
35 "Ахборот".		23.30 Тенис: Осиё чемпионати.

Toshkent

0-35 "Аборот"	10.00 "ДАР"	17.55 "Афия"
01 "Шифкор қабулда"	10.10 "Автомобилдан саклангин"	18.30 "Поитак"
02 "Қишлоқда, 2 "Дилда"	10.15 "Қишлоқда"	18.35 "Шхрон"
03 Маргилон шахрининг 2000	12.00 "Шикомли уй". Т/с.	18.50 "Эгизлаклар" Т/с.
лигига бағишланган тантанали	12.40 "Хен нима ҳақида битиклар"	20.00 "Поитак"
маълум репортаж (бағиш қилинган)	12.45 "ДАР"	20.05 "Қишлоқ аёллар"
04 "Қосим, Узбекистон"	12.50 "Дарвин боласи"	20.20 "Возможно они сошли с ума"
05 "Хамон ёлмда"	13.20 "Эртагин-эртак"	20.50 "Интрево"
25 "Минг бир ривоят"	13.50 бу байрам - барчамизники!"	21.00 "Хазина"
06 "Хамон ёлмда"	13.55 "Турр" Т/с	21.30 "Поитак"
05 "Дил таронаси"	14.55 "Табақкур нафр"	21.50 "Истеъдод"
00 "Аборот"	15.00 "НҲГ КҮН"	22.30 "Поитак"
05 "Яратганга шукр"	20.50 "00.50 Кино" Angen".	
Бадий	16.10 "Қумо"нинг туғилиши"	Sport
25 "Уйла, Изла, Тонг!"	16.40 "Семптон силари"	7.30 "Хабарлар"
02 "Эртала, -яхшиликка етак-	16.45 "Уй ва тулки" Мультифилм.	7.50 "Хабарлар"
чи"	18.10 "Сират белгиси"	8.50 "Мультифилм"
03 "Олтин бешик"	18.20 "Каталон"	9.20 "Олма"
05 "Саломатлик силари"	19.00 "ДАР"	9.55 "Филм-детям". В поисках Немо"
0 "Оналар оғушида"	19.30 "Оқиб таомлари"	11.35 Теннис. Осиё чемпионати."
20 "Мурғиланг лаҳлазлар"	19.50 "Дуқон қиринқорлари"	11.35 "Хажон спорт юлдузлари"
03 "Қишлоқда, Ҳажий қурсатув."	20.00 "Уй насатлари"	19.55 "Бажур савета с Денном Крик-
20 "Сурғута оламида"	20.40 "Афсонавий Маргилон - 2000	шанкс."
25 19.55, 20.55, 21.30 ЭЪЛОН-	ёшлар	14.55 - 15.15 "Спорт сантани"
00 "Аборот"	20.55 "Эълонлар"	17.00 Футбол. Ўзбекистон саралаш
10 "Доворақ самурай". Т/с	20.50 "Шикомли уй". Т/с.	учрашуви. Узбекистон-Сурия. Турдан -
25 "Минг бир ривоят"	21.35 "Маргилон"	турги оёли қўрсатилди. Танаф-
00 "Аборот"	21.55 "Эълонлар"	фусла "Хабарлар"
40 "Қўнғил қўшиқ истиди."	22.00 "ДАР"	18.50 "Мультифилм"
0 "Қишлоқтат"	22.50 Ҳажон киноси: "Аёллар мам-	19.10 "Ҳазили ошона"
25 "Ушшамсан, ҳақиллаб"	лақатида"	20.30 "Фотореж"
35 "Йулбочи". Бадий филм	00.35 00.40 "Таскин"	19.50 "Стил"
00.10 00.10 Тунги навалар.	Ташкилот	20.05 "Звездный матч"
05 "НҲГ ТОНГ"	7.30 "Салом, Тошкент!"	20.25 Юнм руб қалар. Халқаро тур-
0 "Қорчақдаги уй"	8-35 "Эгизлак"	ни"
0 "Қорчақ тасқалар". Т/с.	9.30 "Мабрият фидойилари"	20.50 Футбол. Англия - Исроил.
0 "Биз ҳиммиз?"	9.50 "Саломат бўлинг"	22.55 Теннис. Осиё чемпионати. Яққа
	10.00 "Шхрон"	тавдифи. Финал.
	10.25 "Уйларим"	23.25 Футбол. Италия-Франция.

0-35 "Ахборот"	9.20 "Мафтукурон раглар дунёси"	16.15 "Мысли вслух"
5 "Пахлавон Алеша ва илбонбон"	9.30 "Болалар дараиси"	16.45 "Сағушгаулар ороли"
10 "Мушкулӣ"	10.00 "БАҲАРИҲАРБ"	17.10 "Ҳазратин маънос"
20 "Саломатлик силриси"	11.00 "Journal"	19.10 "Жозиба"
00 "Доврак самурай"	11.20 "Заверт"	19.55 "Нима учун"
00 "Хандалак"	11.20 "Ишқилли уя" Т/с.	20.35 "Шуҳрон"
30 "Денигдан томи"	12.00 "Ҳармонийи араллади"	20.40 КИНОТАҚДИМ
00 "Ассалом, Узбекистон!"	15.00 "Хамт сукмоқлари"	21.10 "Туризм ҳақида"
00 "Ҳеч қачон алайдо деманг"	15.40 "Чай кимиди?"	21.40 "Мысли вслух"
30 "Ҳеч қачон алайдо деманг"	16.00 "Ҳаймон силриси"	21.45 00.00 кино SMS со эвазиди:
ий филм, 2 қисм (Ҳиндистон)	16.00 "Ринг кироллари"	"Человек дождя", "Западня".
ий филм, 4 қисм (Ҳиндистон)	16.50 "Айланай"	"Пираты Карибского моря".
05 "Батан ҳақида қушқилар"	17.00 "Таранум"	Sport
05 "Оддий ҳақиқатлар". Ток-	18.00 "Уй масаласи"	3.30 "Ҳабаблар"
05 "Зумрад ва Қиммат". Мулт-	18.40 "Камолот" ҳабаблари.	7.50 "Ҳабаблар"
05 "Душман"	19.00 "Дар ҳақида индида"	9.10 "Ҳабибнинг гроттескмейстер"
05 "Интеллектуал ринг"	19.30 "Дилор"	9.35 "Пока все дома"
05 "Оддин эрсан"	20.00 "Рупор мактаби"	10.25 "Фазнада"
05 "Охтанг оғушда"	20.30 "Ёшлик навалари"	11.10 "Қувонқ старлар"
20 "Оталар суи-аклиниг қизи"	20.40 "Акс" Ток-шоу	11.40 "Фазилат 4.40"
25, 20.00, 20.55, 21.40 ЭЪЛОН	21.30 "KINOMANIA"	12.05 Тенис. Осиё чемпиониати.
30 "Тахлиннома"	22.00 Ҳақон киноси: "Халоскор"	Якка тартиб ва жудатлик финаллари.
10 "Доврак самурай"	00.15 - 00.20 "Ҳайрли туш"	14.30 - 15.20 Футбол финаллари.
00 "Тахлиннома"		18.00 "Муслик тайм-аут"
50 "Қўҳна оҳанглар"	Tokshilar	18.15 "Халқ уйинлари"
05 "Азизим"	7.30 "Салом, Тошкент!"	18.30 "Версия"
35 "Қишқиласан, муҳаббат"	8.35 "Эгизаклар" Т/с.	19.00 Спорт уик-энд"
45 "Оталар". Бадий филм.	9.25 "Бахром ва Дилором". Мулт-	19.40 "Тайм-аут"
20-00.25 Тонгга навалар.	9.35 "Қишқиласан, муҳаббат"	19.55 Футбол. Евро-2008 саралаш
Yashlar	9.45 "Афшис"	урашлари.
5 Даустуринг оғишчи.	9.55 Кино: "Суоники"	21.50 "Талқин"
0 Миллий кино: "Тўзалки силри"	11.05 "Интервью"	22.20 Юнон рум кураши. Халқаро
	11.20 "Истеҳдод"	турлари.
	11.35 "Шуҳрон"	22.50 Историческое кино. "Король
	12.05 Филм дегам: "Черепашки	Артур".

Тошкент юридик коллежи то-
дан 2006 йилда 1/35-гuruh ўқу-
в-Умбаров Абдулжалил Бозорович
ига берилган ўқувчилик гувоҳно-
и йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси жамоаси
ошкент вилояти адвокатлар ҳайъати раёсати раиси
Рустам Абидович АШРАПОВнинг
афоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзо-
ари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

● Элон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг ўғрилиги учун реклама ва элон берувчилар масъулдир.

Тошкент вилояти
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

**Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.**

Саҳифаловчи: Тохир МАХМУДХЎЖАЕВ.

2	3	4	5	6
---	---	---	---	---

ⓘ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарк" нави

Буюртма Г-840. А-39

A-3919. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-йй. Нашр кўрсаткичи - 205. Босишга топшириш вақти - 2

Манзилимиз:

700000,
Тошкент шаҳри
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти

**Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.**

**Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.**